

Шахримизда согликни какшатиш ишлари, Худога шукр, бу йил жуда тартибга кўйила бошланди. Хифзи сиххат бўлумининг «бепарво фалак»лигидан халкимиз жуда мамнун ва сарафроздир.

Бу йил эски шаҳардаги гузар ховузлари микроб булогига айланиб колди. Хатто, бу ховуларнинг биридан чўчка чикконлигини ҳам газетада ўқидик. Ошхона ва кабобфўрушликларимиз бўлса, «кар» маданийдир. Эски шаҳар ош салхонасидан кўкнорхоналаримиз минг катла озода мунтазамрокдир. «Чашмаи шифо» ховузчасининг олдидан ўтмокчи бўлгонингизда, эҳтиёт учун, албатта, бурнингизни тутиб ўтишга мажбур бўласиз.

Хулоса, шаҳримиз согликни саклаш идорасини «хотиржами гов жаллоб» этарлик даражада тоза ва бошка шаҳарларга намуна бўлурлик йўсунда покизадир.

Яна бир гап колди: шунинг билан баробар ахли такво мусулмонларга, хайрихохлик юзасидан эълон киламизким, янги шаҳарга бораётгонда «Саржин бозори» кўчасидан зинхор ўтмагайлар. Чунки у ерга ташлангон неча вогун ахлат ичидан ҳаммавакт «сунбули сахро» иси чикиб димогга урадир ва рўзани синдирадир...

Шумшук

«Машраб», 1925 йил, 20-сон